


IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий даврда 4 099,8 млрд сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 % ни ташкил этди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 50,6 % ёки 347,0 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 8,5 %) ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3 752,8 млрд.сўм ёки 2019 йил январь-июнига нисбатан 114,7 % (жами инвестициялардаги улуши 91,5 %) ни ташкил этди.



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган
инвестициялар**
(2020 йил январь-июнь)

| | млрд. сўм | ўсиш суръати фоиз, % | ҳажмга нисбатан % да |
|--|----------------|----------------------------|----------------------------|
| Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар | 4 099,8 | 103,6 | 100,0 |
| Марказлашган инвестициялар: | 347,0 | 50,6 | 8,5 |
| бюджет маблағидан | 147,8 | 27,9 | 3,6 |
| Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бўлган чет эл кредитлари | 151,3 | 1,2 м. | 3,7 |
| Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 47,9 | 1,8 м. | 1,2 |
| Марказлашмаган инвестициялар: | 3 752,8 | 114,7 | 91,5 |
| Корхона ўз маблағлари | 1 073,0 | 1,7 м. | 26,2 |
| аҳоли маблағлари | 521,3 | 68,5 | 12,7 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 1 337,2 | 90,4 | 32,6 |
| тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 821,3 | 1,9 м. | 20,0 |

**Жорий йилнинг январь-июнь ойларида марказлашган инвестициялар
манбалари бўйича улуши, % да**



Жорий йилнинг январь-июнь ойларида марказлашмаган инвестициялар манбалари бўйича улуши, % да



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг тақсимланиши
(жами ҳажмдаги улуши, % да)**




Асосий капиталга инвестицияларнинг энг юкори кўрсаткичи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар маблағи ҳисобига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 90,4 % ни ташкил этди.


Худудлар кесимида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар

| Шаҳар ва туманлар | Жами | | шу жумладан: хорижий инвестиция ва кредитлар | |
|-------------------------|----------------|-----------------------|--|-----------------------|
| | млрд. сўм | ўсиш суръати, % | млрд. сўм | ўсиш суръати, % |
| ➤ Вилоят бўйича: | 4 099,8 | 103,6 | 1 488,5 | 92,5 |
| шаҳарлар: | | | | |
| ➤ Андижон | 774,4 | 84,6 | 358,7 | 2,0 м. |
| ➤ Хонобод | 120,8 | 109,0 | 78,5 | 86,9 |
| туманлар: | | | | |
| ➤ Андижон | 173,7 | 75,5 | 70,0 | 77,2 |
| ➤ Асака | 406,5 | 126,4 | 256,3 | 1,8 м. |
| ➤ Балиқчи | 195,3 | 130,8 | 53,9 | 1,7 м. |
| ➤ Бўстон | 81,5 | 116,8 | 41,8 | 3,0 м. |
| ➤ Булоқбоши | 231,0 | 106,4 | 38,4 | 27,1 |
| ➤ Жалақудук | 92,1 | 67,8 | 13,2 | 106,5 |
| ➤ Избоскан | 97,5 | 60,6 | 33,7 | 2,7 м. |
| ➤ Улуғнор | 115,2 | 139,2 | 38,1 | 3,0 м. |
| ➤ Мархамат | 106,9 | 159,6 | 23,0 | 1,6 м. |
| ➤ Олтинкўл | 262,1 | 159,5 | 54,7 | 1,4 м. |
| ➤ Пахтаобод | 172,1 | 69,1 | 38,2 | 26,2 |
| ➤ Хўжаобод | 588,0 | 199,2 | 298,9 | 2,4 м. |
| ➤ Шаҳрихон | 157,0 | 171,8 | 25,3 | 1,7 м. |
| ➤ Қўрғонтепа | 525,7 | 75,4 | 65,8 | 12,1 |

Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари, % да




Худудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар улуши, % да




Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби

| | Жами | Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича | |
|---|----------------|--|----------------|
| | | давлат | нодавлат |
| Жами, млрд. сўм | 4 099,8 | 312,7 | 3 787,1 |
| шу жумладан: | | | |
| умумий ҳажмга нисбатан, % да | 100,0 | 7,6 | 92,4 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариши ва хўжалик жиҳозлари | 54,0 | 20,5 | 56,8 |
| қурилиш-монтаж ишлари | 37,4 | 74,6 | 34,3 |
| бошқа харажатлар | 8,6 | 4,9 | 8,9 |

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби, млрд. сўм




Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, % да



Жорий даврда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қуроллантиришга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги инвестициялар ҳажми 2 253,1 млрд. сўмни ташкил этиб, жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 54,9 % ни ташкил этди.


Мавжуд янги қурилишга йўналтирилган инвестициялар 1 400,9 млрд. сўмни ташкил этди ва вилоятда жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 34,2 % ни ташкил этди, 352,0 млрд. сўм (10,9 %) бошқа харажатларга йўналтирилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга
ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм**



Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори кўрсаткичлари иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланди: қайта ишлаш саноати жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2 060,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 50,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 495,1 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 12,1 %, улгуржи ва чакана савдо соҳасида 258,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 6,3 %, турар - жой бинолари қурилишида 473,4 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 11,5 % ҳамда қурилиш соҳасида 165,1 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 4,0 фоизи ўзлаштирилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда 2 060,2 млрд. сўм ўзлаштирилиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 50,3% ташкил этди.

2020 йил январь-июнида умумий майдони 358,6 минг кв.м. (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 94,5 %) бўлган 2 263 хонадонга эга бўлган турар - жойлар, улардан 262,5 минг кв.м. (100,0 %) бўлган 1 583 та хонадонлар қишлоқ жойларда ишга туширилди.




2020 йил январь-июнь ойларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида Андижон вилоятида жами 1 970,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 100,4 % ни ташкил этди.




Қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби ва улуши (2020 йил январь-июнь ойлари)



Амалга оширилган қурилиш ишлари мулкчилик шакли, давлат ва нодавлат бўлган корхона ва ташкилотлар таркиби бўйича бўлинади.

Қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шакилланади.



Маълумот учун: қурилиш ишлари ҳажми бу – ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари, янги қурилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда бошқа пудрат қурилиш ишлари натижасидир.


Жорий йилнинг январь-июнь ойларида, жами қурилиш ишлари ҳажми таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 99,0 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишлари 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 101,0 % ни, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 5,0 % ни ташкил этди.



Маълумот учун: йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Андижон шаҳар (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 49,6 % ни ёки 2019 йилнинг январь-июнь ойига нисбатан 84,8 %) га тўғри келади.



Қурилиш ишлари умумий ҳажмида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да



Кичик корхона ва микрофирмалар


- 2020- йил январь-июнь
- 2019- йил январь-июнь

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2020 йил январь-июнь ойларида қурилиш ишларини бажарган бошқа ташкилотларга нисбатан ошганлиги кузатилди. Улар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 72,6 % тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойлари кўрсаткичига нисбатан 1,1 % пунктга кўпайди. Шунингдек улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 100,9 % ни ташкил этган ҳолда 1 430,3 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,4 % ни ташкил этди ёки 441,0 млрд. сўм миқдорида қайд этилди. 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 98,9 % ни ташкил этди.



Қурилиш ишлари умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши



Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 129,6 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 308,1 % қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 1 840,7 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 93,4 % ни ташкил этди.



Мулкчилик шакли давлат ва нодавлат бўлган ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари, % да





**Худудлар кесимида мулкчилик шакллари бўйича бажарилган
қурилиш ишлари
(2020 йил январь-июнь ойлари)**

| | Қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм | Давлат мулки | | Нодавлат мулк* | |
|-----------------------|---------------------------------------|--------------|---------------|----------------|---------------|
| | | млрд. сўм | улуши % да | млрд. сўм | улуши % да |
| Вилоят бўйича: | 1 970,3 | 129,6 | 6,6 | 1 840,7 | 93,4 |
| Андижон ш. | 636,6 | 30,4 | 4,8 | 606,2 | 95,2 |
| Хонобод ш. | 56,1 | - | - | 56,1 | 100,0 |
| туманлар : | | | | | |
| Андижон | 311,3 | 11,2 | 3,6 | 300,1 | 96,4 |
| Асака | 68,6 | 5,6 | 8,2 | 63,0 | 91,8 |
| Балиқчи | 40,7 | 5,6 | 13,8 | 35,1 | 86,2 |
| Бўстон | 70,9 | 0,8 | 1,1 | 70,1 | 98,9 |
| Булоқбоши | 33,3 | 5,6 | 16,8 | 27,7 | 83,2 |
| Жалақудуқ | 79,5 | 20,4 | 25,6 | 59,1 | 74,4 |
| Избоскан | 60,4 | 5,6 | 9,3 | 54,8 | 90,7 |
| Улуғнор | 32,2 | 15,2 | 47,2 | 17,0 | 52,8 |
| Марҳамат | 91,2 | 5,6 | 6,1 | 85,6 | 93,9 |
| Олтинқўл | 76,7 | 1,2 | 1,6 | 75,5 | 98,4 |
| Пахтаобод | 114,2 | 5,6 | 4,9 | 108,6 | 95,1 |
| Хўжаобод | 67,1 | 5,6 | 8,3 | 61,5 | 91,7 |
| Шаҳрихон | 171,4 | 5,6 | 3,3 | 165,8 | 96,7 |
| Қўрғонтепа | 60,1 | 5,6 | 9,3 | 54,5 | 90,7 |

* Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажми қўшган ҳолда



Андижон вилояти иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари, % да

2019 йил январь-июнь

19,0



Ихтисослаштирилган
Қурилиш ишлари

9,7



Фуқаролик
объектларини қуриш

71,3



Бино ва
иншоотларини қуриш

2020 йил январь-июнь

15,1



Ихтисослаштирилган
Қурилиш ишлари

10,9



Фуқаролик
объектларини қуриш

74,0



Бино ва
иншоотларини қуриш

Маълумот учун: иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан



Бино ва иншоотлар қурилиши

Бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 2,1 % ни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 2,1 % пунктга кўпайди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 0,5 % пунктга кўпайиб, 67,7 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 2,9 % пунктга кўпади, 30,2 % ни ташкил этди.






Фуқаролик объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 4,4 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 4,5 % пунктга кўпайди.


Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 95,5 % (5,9 % пунктга кўпайиб) ҳамда норасмий секторнинг улуши 0,1 % (1,4 % пунктга кам).





Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари


Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 2,6 % пунктга кўпайди ва 19,7 % ни ташкил этди. Қолган 80,3 % кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 2,6 % пунктга кўпайди.





Худудлар кесимида қурилиш ишлари (2020 йил январь-июнь ойларида)

Энг юқори ҳажм (млрд. сўм)



Кичик ҳажм (млрд. сўм)

